МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА УНДА ТАШҚИ КУЧЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

А.Р.АҲМЕДОВ

Данная статья рассматривает геополитическое положение в Центральной Азии после распада СССР и изучает роль внешних факторов в данном процессе.

This article discusses the geopolitical situation in Central Asia in the post Soviet period and studies the role of external factors in this process.

Замонавий халқаро муносабатларда геостратегик ҳудуд ва геосиёсий ҳудуд тушунчалари кенг қўлланилмоқда. Геостратегик ҳудуд жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйновчи давлат ва халқаро институтлар доирасида шаклланган катта ҳудуд бўлиб, у куч марказларининг жаҳондаги ўрнини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Геосиёсий ҳудуд эса унинг таркибий қисмидир. Маълумки, Евроосиё минтақаси тарихан жаҳон сиёсатининг асосий кураш майдони ҳисобланиб, Америка олими З.Бжезинский уни дунё ҳукмронлиги учун жанг кетаётган шахмат доскасига таққослайди. Тарихан сиёсатчилар, давлат арбоблари орасида ушбу минтақанинг қайси қисми мутлоқ ҳукмрон бўлишда муҳим ҳисобланиши борасида кўп тортишувлар бўлган. Бу борада геосиёсатчи олим Харольд Маккиндернинг “Хартленд” (инг. Heartland – “Ер юраги”) концепцияси [2.162–169] диққатга сазовордир. Кейинчалик унга шундай таъриф берилади: “Ким Шарқий Европани бошқарса, у Ер юрагини қўлга киритади. Ким Ер юрагини бошқарса, у Дунё Ороли (Евроосиё)ни қўлга киритади. Ким Дунё Оролини бошқарса, у дунёга ҳукмрон бўлади” [3.186]. Хартленд – Ер юраги қаерга тўғри келиши бўйича тортишувларда аксарият геосиёсатчи олимлар унинг Шарқий Европа билан биргаликда Марказий Осиёнинг катта қисмини қамраб олишини таъкидлайдилар [4.6,20]. Бу, ўз навбатида, Марказий Осиё минтақасининг жаҳон сиёсатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Президентимиз И.А.Каримов Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатидаги ўрни ҳақида шундай таъкидлаган эди: “Сайёрамизнинг жуда катта майдонидаги кучлар нисбати кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар қайси йўлдан боришига боғлиқ... ҳудуд амалда Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефть ва газга жуда бой конлари жойлашган ярим халқанинг стратегик марказидир. Яъни бу ярим халқа атрофида бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида яқин йилларда Евроосиё ва жаҳон келажаги учун ҳал қилувчи роль ўйнайдиган энергия захиралари мавжуд” [1.8,12].

Тарихан Россия билан Хитойни, Европа билан эса Жанубий Осиёни боғловчи стратегик ҳудуд вазифасини ўтаб келган Марказий Осиё минтақаси ҳозирда ҳам жаҳон сиёсатига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Минтақа давлатларнинг бугунги салоҳияти ҳақида қўйидаги фикрларни таъкидлаш мумкин:

– Ўзбекистон углеводород ресурсларга бой бўлиши билан бирга, унинг ҳудудидан Марказий Осиёнинг асосий инфрастузилмаси – автомобиль ва темир йўллар, электр ўтказгичлар ва қувур йўллари ўтган.

– Қозоғистон яқин 10-15 йил ичида ОПЕК ташкилотига кирмайдиган давлатлар ичида дунё бозорига нефть етказиб берувчи энг йирик давлатга айланади, 2020 йилга бориб у кунига 3 млн. баррель нефть қазиб олиш даражасига етади.

– Туркманистон газ захиралари бўйича дунёдаги бешликка кирмоқда. Минтақанинг ушбу углеводород ва энергия салоҳияти бу ерда кучли геосиёсий рақобатни юзага келтирмоқда. Кўпчилик сиёсатчилар бу борада келажакда халқаро низолар жаҳонда углеводород хом-ашёлари учун кураш рақобатидан келиб чиқиши мумкинлигини таъкидламоқда [5.12].

Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият СССРнинг парчаланиши ва минтақада янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан янгича тус ола бошлади. Бугунги кундаги Марказий Осиёдаги мураккаб геосиёсий вазиятларни қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- СССР даврида Москва томонидан давлатлар ўртасидаги миллий чегараларнинг номутаносиб белгиланганлиги натижасида юзага келган Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегара муаммолари;
- минтақадаги табиий ресурслар жойлашувининг хилма хиллиги;
- сув муаммолари, минтақадаги трансчегаравий дарёлар бўйича ягона келишувнинг йўқлиги;
- минтақанинг географик жиҳатдан денгизга нисбатан ёпиқлиги ва транспорт корридорлари муаммолари;

- минтақадаги этносиёсий ва демографик муаммолар;
- минтақадаги давлатлар иқтисодий тараққиёт даражасининг хилма-хиллиги;
- Тожикистондаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳолат;
- Қирғизистондаги турли этник низолар;
- Афғонистондаги нотинч вазият ва унинг натижасида минтақада экстремизм, терроризм, сепаратизм ва ноқонуний наркотиклар савдоси билан боғлиқ муаммоларининг мавжудлиги;
- ташқи омиллар – жаҳондаги етакчи давлатлар ўртасида минтақадаги геосиёсий ва геоиқтисодий рақобатнинг авж олиши.

Совет Иттифоқи парчалангандан кейин Марказий Осиё минтақаси учун дунё эшиклари очилди ва бу минтақага илгари кира олмаган давлатлар кириб кела бошлади. Минтақада халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши билан бирга, бу ерда ташқи кучларнинг геосиёсий рақобати ҳам кенгайиб борди. Бу борада Президентимиз шундай таъкидлаган эди: “Биз Россия, Хитой ва Ҳиндистоннинг, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари юзага чиқадиган минтақанинг бир қисмимиз... XXI асрнинг қиёфасини белгилаб берадиган бу куч марказлари ва ислом дунёсининг Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони каби қудратли мамлакатлари ана шу минтақада ўз манфаатларини излайди...” [1.12-13]. Шунингдек, ушбу давлатлар қаторида минтақада халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг таъсири ошиб бормоқда. Айниқса, бу борада Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти (ОДКБ), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ) ва НАТО сингари халқаро ташкилотларнинг роли ошиб бормоқда.

Маълумки, 2001 йил 11 сентябрь воқеалари халқаро муносабатлар тизимига янги давр олиб келди. Бу, ўз навбатида, Марказий Осиёдаги геосиёсий мувозанатга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўша даврдан бошлаб ушбу минтақада АҚШ иштирокининг фаоллиги ошиб борди. Шунингдек, АҚШ тарихда илк бор Марказий Осиё минтақасига ўз ҳарбийларини жойлаштирди.

АҚШ ҳукуматининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё омили ҳамиша долзарб масалалар қаторидан жой олиб келмоқда. АҚШнинг ушбу минтақадаги асосий геосиёсий манфаатлари қаторида қўйидагиларни айтиш мумкин:

- минтақа давлатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва савдо алоқаларини ривожлантириш;
- минтақадаги давлатлар билан ҳамкорликда Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш, халқаро терроризм, диний экстремизм ва наркотик савдосига қарши курашиш;
- АҚШ ташқи сиёсатида минтақанинг муҳим геосиёсий аҳамияти ва геостратегик вазифаларни амалга оширишда унинг ҳудудий салоҳиятидан фойдаланиш;
- минтақада АҚШга геосиёсий рақобатчи бўлган давлатлар ва ташкилотлар фаоллиги кенгайишининг олдини олиш ва, аксинча, минтақавий масалаларда АҚШ таъсирини кучайтириш;
- минтақадаги бой энергетик ресурларга бўлган талаб.

Ушбу йўналишлар бўйича АҚШнинг Марказий Осиё учун турли ёндашувлари илгари сурилади. Уларнинг асосийлари қаторида АҚШнинг “Марказий Осиё ва Кавказ Институти” раҳбари Фредерик Старрнинг “Катта Марказий Осиё” [6.8] концепциясини таъкидлаш мумкин. Унга кўра, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистон давлатлари иштирокида интеграциялашган бир бутун минтақа – “Катта Марказий Осиё”ни ташкил этиш ташаббуслари илгари сурилади.

Фредерик Старр АҚШ ҳукуматида Марказий Осиёга нисбатан икки хил ёндашув мавжудлигини таъкидлайди, яъни АҚШ Давлат департаменти минтақадаги бешта давлат ва Россияни битта алоҳида минтақа, Афғонистонни эса Жанубий Осиё минтақаси деб ҳисоблайди. Бундан фарқли ўлароқ, АҚШ Мудофаа вазирлиги стратегиясида юқоридаги бешта давлат ва Афғонистон битта стратегик зона ҳисобланади, Россия эса алоҳида зонага киритилади. Фредерик Старр бундай икки хил ёндашувга чек қўйиш ва ягона ёндашув – “Катта Марказий Осиё” стратегиясини таклиф этади. Ушбу стратегия АҚШнинг минтақадаги ролини ошириш ва НАТОнинг ҳудудий кенгайиши каби масалаларни ҳам кўзлар эди.

Ҳозирда Президент Барак Обама ташқи сиёсатида АҚШнинг айрим минтақалар билан ёмонлашиб қолган муносабатларини тиклаш сари қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, бу жараёнда Марказий Осиё омили ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда 2011 йил январь ойида АҚШ Давлат Котиби Х.Клинтон Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистонда давлат ташрифи билан бўлди ва бунда минтақа давлатлари билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

АҚШ Давлат Котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ўринбосари Роберт Блейкнинг 2011 йил 19 январь куни қилган “Обама бошчилигидаги ҳукумат сиёсатининг Жанубий ва Марказий Осиёдаги устувор йўналишлари” [7] номли маърузасида Марказий Осиёга нисбатан яна бошқа ёндашув тилга олинди. Унда АҚШнинг Жанубий ва Мар-

казий Осиё минтақалари учун режавий устувор йўналишлари сифатида қуйидаги вазифалар белгиланган:

- Афғонистондаги халқаро кучларни қўллаб-қувватлаш;

- Ҳиндистон билан стратегик ҳамкорликни ўрнатиш;

- Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни янада яхшилаш ва барқарорлаштириш.

Р.Блейк ўз маърузасида АҚШ манфаатлари хусусида: "Афғонистон, Хитой, Россия ва Эрон билан чегарадош бўлган Марказий Осиё муҳим стратегик чорраҳада жойлашган минтақадир. Шунинг учун АҚШ ушбу муҳим минтақа билан ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдордир", – деб таъкидлайди. Шунингдек, у Фредерик Старр ғоясини давом эттирган ҳолда Марказий Осиё стратегияси Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон каби Жанубий Осиё давлатларини ҳам қамраб олиши лозимлигини таклиф этади. Бундан ташқари, маърузада Марказий Осиёнинг табиий энергия ресурсларини етказиб бериш бўйича салоҳиятига алоҳида эътибор берилади.

Шунингдек, шу йил юртимизда расмий ташриф билан бўлган АҚШ Давлат Котиби Х.Клинтон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ва Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон иштирокини юқори баҳолаб, келгусида минтақада "Янги ипак йўли" стратегиясини ривожлантириш ташаббусларини илгари сурди. Ўзбекистон ушбу масала юзасидан транспорт корридорларини ривожлантиришдан манфаатдордир.

Маълумки, Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида минтақавий ва глобал даражада доимо фаол қатнашиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1993 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида биринчи бўлиб Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона яратиш таклифи билан чиқди. Бош Ассамблеянинг 2000 йилдаги "Минг йиллик саммит"ида эса дунё ҳамжамиятининг эътиборини Афғонистондаги нотинч вазият ва Орол муаммоларига қаратди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё учун муҳим позицияларидан бири ушбу минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Ўзбекистон минтақадаги тинчликни мустаҳкамлаш ва ривожланиш йўлида бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди, лекин минтақада ҳарбий блокларнинг пайдо бўлишини инкор этади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг муҳим йўналишлари қаторида белгиланганидек, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида, аввало, Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилотига урғу беради [8]. Ўзбекистон икки ва кўп томонли ҳамкорлик асосида Афғонистонда тинчлик ўрнатилишини қўллаб-қувватлайди. Бу, ўз навбатида, Марказий Осиё барқарорлигини таъминлайди. Ўзбекистон нуқтаи назаридан минтақадаги муҳим муаммолардан бири унинг географик жиҳатдан ёпиқлигидир. Шу сабабдан ҳозирда Ўзбекистон Марказий Осиёни "дезанклавизация" – яъни жаҳон транспорт корридорлари билан боғлаш бўйича минтақада муқобил транспорт коридорларини яратиш лойиҳаларига катта эътибор бермоқда. Ҳозирда ушбу истиқболли лойиҳалардан асосийси Ҳинд океани сув йўлларига олиб чиқувчи "трансафғон маршрути" бўлиб, уни амалга ошириш биринчи галда минтақа давлатларининг бирдек сайҳаракати ва ҳамкорлигини талаб қилади ва у Марказий Осиёнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг геоиқтисодий ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда Марказий Осиё минтақасининг энергетик заҳира салоҳияти ва геосиёсий ҳолати ушбу минтақада ташқи кучлар манфаатларининг ошиб боришига хизмат қилмоқда. Натижада минтақада манфаатлар кесишуви ҳосил бўлиб, бу, ўз навбатида, минтақавий барқарорликка таъсир қилмоқда. Бунинг мисоли тариқасида Афғонистондаги нотинч вазият ва Қирғизистондаги этник низолар каби муаммоларни кўриш мумкин.

Бундай муаммоларнинг олдини олиш ва Марказий Осиёда тинчлик ва тараққиётни қўллаб-қувватлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- минтақага доир муҳим масалалар, аввало, бу ерда жойлашган давлатлар ҳамдўстлиги доирасида ҳал қилиниши ва бу борада умумий манфаатни шакллантириш;

- Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий, савдо ва транспорт корридорлари интеграциясини кучайтириш;

- Марказий Осиё геосиёсий ҳаётида фаол иштирок этувчи ташқи кучларнинг минтақадаги балансини таъминлаш лозим. Ҳеч бир ташқи кучнинг минтақадаги бошқаларга нисбатан мутлоқ устунлигига йўл қўймаслик ва, аксинча, уларнинг рақобатидан минтақанинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва молиявий ривожи учун самарали фойдаланиш.

Таъкидлаш лозимки, минтақадаги барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, аввало, бу ердаги давлатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, умумий саъй-ҳаракати ва маҳаллий халқлар ўртасидаги ўзаро тотувликка асосланади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка Таҳдид, Барқарорлик шартлари ва Тараққиёт Кафолатлари, -Тошкент,1997.

2. Маккиндер Х. Дж. Географическая ось истории // Полис. 1995. № 4

3. Mackinder H. J. Democratic Ideals and Reality. N.Y. 1942.

4. Бжезинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и ее геостратегические интересы. – М.: Международные отношения, - 1999г.

5. Панов М. Военные конфликты на рубеже 2030 года. // Зарубежное военное обозрение. – 2008. №1.

6. Frederick Starr. A partnership for Central Asia. // Foreign Affairs, 2005. #4.

7. Блейк Р. Приоритеты администрации Обамы в Южной и Центральной Азии, 19 января 2011 г. http://www.america.gov/st/sca-russian/2011/January/20110121100122x3.293353e-02.html

8. Цели и задачи внешнеполитического курса Узбекистана / http://www.mfa.uz/rus/mej_sotr/vneshnyaya_politika/

Андижон давлат университети,
2011 йил 30 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: с.ф.д. К.Юнусов)